

Ал-Азкор / Ал-Азкор / 123-ҳадис

* وروينا في "صحيح مسلم" عن عائشة رضي الله عنها قالت: افتقدت النبي صلى الله عليه وسلم ذات ليلة فتحسست، فإذا هو راعع أو ساجد يقول: "سبحانك وبحمدك لا إله إلا أنت".

123/6. Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Бир кеча Набий соллаллоху алайҳи васалламни тополмай қолдим. Ахтариб борсам, рукуъ (ёки сажда) қилаётган эканлар. Унда:

سُبْحَانَكَ وَبِحَمْدِكَ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ

«Субҳанака ва биҳамдика ла илаҳа илла анта»ни айтаётган эдилар.

(Маъноси: Сенга ҳамд айтиш билан Сени поклайман. Сендан бошқа илоҳ йўқ.)

Имом Муслим ривоятлари.

* وفي رواية في مسلم: "فوقعت يدي على بطن قدميه وهو في المسجد، وهما منصوبتان وهو يقول: "اللهم أعوذ برضاك من سخطك، وبمعافاتك من عقوبتك، وأعوذ بك منك، لا أحصي ثناء عليك، أنت كما أثنيت على نفسك".

Муслимнинг бошқа бир ривоятларида Оиша розияллоху анҳо:

«Менинг қўлим Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг оёқлари ўртасига тегиб кетди. У зот оёқларини узатиб, саждада турганларида:

اللَّهُمَّ أَعُوذُ بِرِضَاكَ مِنْ سَخَطِكَ وَبِمُعَافَاتِكَ مِنْ عُقُوبَتِكَ وَأَعُوذُ بِكَ مِنْكَ لَا أُحْصِي
ثَنَاءً عَلَيْكَ أَنْتَ كَمَا أَتَيْتَ عَلَيَّ تَفْسِيكَ

**«Аллоҳумма аъзуз бика биризока мин сахотика ва бимуъаафаатика
мин ъуқубатика ва аъзуз бика минка, ла уҳсий санаан ъалайк, анта
кама аснайта ъала нафсик»**ни ўқиётган эдилар.

(Маъноси: Эй Раббим, Сенинг розилигинг билан ғазабингдан, офиятинг билан уқубатингдан паноҳ тилайман. Сенинг номинг ила Сендан паноҳ тилайман (яъни ғазабингдан). Мен Сенга Сен ўзингга сано айтганинг каби кўп сано айта олмайман.)

Манба: hadis.islom.uz

